

Нуронийлар доимо эътиборда

Пойтахт ҳокимлигида «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими мажлиси бўлиб ўтди.

Маълумки, «Нуроний» жамғармаси 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан фахрийларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўсиб келатган авлодни табиғийлашда ҳаётий ва меҳнатдаги бой тажрибасидан фойдаланиш мақсадида ташкил қилинган эди. Ҳозирги кунда мазкур жамғарманинг вилоят, туман ва шаҳар бўлиmlари фаолият юритмоқда, унинг жамоат марказлари барча меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ҳам мавжуд. Айниқса, Юртовчилик томонидан 2002 йилни Қарияларни кадрлаш йили деб эълон қилиниши бу борада амалга оширилиши лозим бўлган дастурий вазифаларни ҳаётий тадбиқ этилишида муҳим кадам бўлди.

Кейинги беш йил ичида жамғарма асосий вазифаларини ижтимоий амалга ошириш билан бирга ўз нақси ва ноқимга тўлиқ мос ҳолда шаклланиб ҳам борди.

«Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси Махаммадон Зуфаров ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз қилиб, эндиликда асосий эътиборни қарияларнинг лозим масалалар ҳусусида тўқатиб ўтди.

Айтиб ўтиш жоиз, бугунги кунда фахрийларимиз деврли ҳар бир соҳада фаолият юритмоқдалар. Улар нафақат мураббий, устоз сифатида, балки ёшлар билан елкадош бўлиб, қўлимиз тарғибига ўзларнинг салмоқли хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Жамғарма ташаббуси билан пойтахтда нуроний отақон ва онақонларимиз иштирокида қатор ҳаётий ва ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Ушбу қоронғилар фаолиятдан тўсган маблаглар асосан ҳам таъминланган, муҳтож пенсионер, ногирон ва яққа-ёлғизларни моддий қўллаб-қувватлашга сарфланади. Чунки, кейинги йилларда 13 миңдан зиёд кишиларга 23 миллион сўлдан ортққ моддий ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, «Юлдуз», «Малика», «Тошвино», «Тошискиликкоммукуват», «Тошкент университетининг» акциядорлик жамиятлари доимий равишда жамғарманинг ижтимоий ҳисоя қилишини қўйиштириш қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори эса жамғарма фаолияти самарадорлиги ва фаолияти янада кўчатиришга туртки бўлди. Ижтимоий таъминот органлари билан биргаликда

Мажлис якунида «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг пойтахт фахрийлари бора соҳаларда олиб борилаётган ишловларни амалга оширишда отақон ва онақонларнинг ҳам ҳаётий тажрибалари билан фаол иштирок этишлари ҳақида муражаоти қабул қилиниди ҳамда тегишли ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Махаммадон Зуфаров Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими кенгашининг раиси этиб қайта сайланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Матбуот хизмати.

ҲАМФИКРЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 28 ФЕВРАЛЬ — 1 МАРТ КУНЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ХАМДА МДҲНИНГ ҚОЗОҒИСТОННИНГ АЛМАТИ ШАҲРИДА ЎТГАН САММИТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг учрашуви «Марказий Осийе ҳамкорлиги» ташкилотини расмийлаштириш билан якунланди. Таъкидланганидек, тўрт Президентнинг ўтган йилнинг декабрида бўлган Тошкент учрашувида эришилган келишув Алматида ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу ташаббуснинг эгаси — Ислам Каримов ҳақли равишда янги ташкилотга раис этиб сайланди.

Марказий Осийе иқтисодий ҳамжамияти ўзгариши билан бу тўрт мамлакат оқидида янги имкониятлар пайдо бўлди. У энди нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, балки сиёсий, ижтимоий ва бошқа турдаги алоқалар қўлимни кенгайтиришга йўл очди.

Янги ташкилотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у бюрократик тузилма бўлмайди. Ҳар бир аъзо мамлакатдан бевосита давлат раҳбарига ҳисобот берадиган биттадан мувофиқлаштирувчи вакил тайинланади. Улар ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аъзо мамлакатларнинг интеграция жараёнларини фаоллаштириш борасидаги нуктаи назарларини яқинлаштириш ва мослаштириш, турли вазирлик ва муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш ва умумий вазиятни таҳлил этиш билан шуғулланади.

Мисол тариқасида МДҲни келтириш мумкин. Ҳамдустликнинг турли органларида икки миңга яқин ходим ишлабди. Лекин самара қўтилганидек эмас. «Марказий Осийе ҳамкорлиги»да эса асосан тўртта миллий мувофиқлаштирувчи вакил фаолият юритади, ҳолос. Қолган ишлари ташки сисёат маҳкамаларининг тегишли ходимлари, ўзаро ҳамкорликка алоқадор бошқа вазирлик ва муассасалар баҳараваради.

Шундай қилиб, «Марказий Осийе ҳамкорлиги» зиммасига минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакли ва механизмининг тақомиллаштириш вазифаси юкланмоқда. Табиийки, энди у томонларга хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам баҳамжихат иш кўришга тўла ҳуқуқ беради. Аъзо мамлакатлар террор, уюшган жиноятчилик, нарқобизнес, гайриқонуний миграция, нарқотик моддалар контрабандасига қарши курашда бир-бирини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, бир-бирига ёрдам беради.

Саммитда таъкидланганидек, минтақада савдо-сотиқ, коммуникация, саноат каби соҳаларда ягона инфратузилмаларни шакллантириш лозим. Бу глобаллашува жараёнида фақат фойда келтиради. Ислам Каримов минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро теледастурлар намойиш қилиш тақлифини ҳам илгари сурди. Бу ҳақларимизни бир-бирига яқинлаштиришга, қўшимча ҳолидан бохабар бўлиб туришга, шунингдек, давлатлар ўртасида очик мулоқотлар пайдо бўлишига олиб келади. Демак, ўзаро ишонч янада мустаҳкамланади. Бу эса ҳамкорликни ривожлантиришнинг энг асосий омилларидир.

Ислам Каримов Қозоғистонда Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигининг норасмий саммитида ҳам иштирок этди. Президентлар Алмати шаҳри яқинидаги «Чимбулок» соғломлаштириш мажмуида учрашди. Очққ ва дўстона руҳда ўтган музокарада Ҳамдустлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президентлар халқаро террорчиликка қарши кураш масаласига ҳам эътибор қаратди.


Давлат раҳбарлари Ҳамдустликда иқтисодий интеграция жараёнларини янада фаоллаштириш масаласи юзасидан атрафлича фикр алмашди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бу масалага муносабат ҳар хил, тақлиф ва мулоҳазалар ҳам турлича. Лекин, энг муҳими, ҳар бир Президент иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тарафдоридир.

Тоғли «Чимбулок»да давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев ва Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов билан учрашди. Учрашувида энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири.

Тошкент-Алмати-Тошкент.

Янада обод бўл, азим Тошкентим!



Азиз ҳамшаҳарлар!
Тошкентимизни янада кўркам ва файзли бўлиши учун барчамиз қўли-қўлга бериб, уни ободонлаштиришга, энг озода шаҳарга айлантиришга киришайлик.

Боболаримиз: «майдону кўчалари, кўркам ариқларининг суви тоза, аҳолиси саранжом, уй-жойлари саршта бўлган ҳақиқий ҳаётий баракали бўлади», — дейишган.

Ҳар биримиз ўз уйимиз, ҳовли-жойимиз, маҳалламиз, ўзимизнинг ўқш ва иш жойларимизни ораста ва кўркам бўлишига эришайлик.

Пойтахтимишни янада ободонлаштириб, озодаликда тенги йўқ шаҳарга айлантирайлик.

Бу ишдан ҳеч биримиз четда қолмайлик!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Кизгин тус олди

Баҳор фасли кириб келгани билан кизгин тус ҳамшаҳарларимиз ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш, шаҳарни Наврўз шодиёнасига ҳозирлаш ишларини бошлаб юборишди.

— Уйғониш фасли баҳорни бошқармаимизнинг 225 нафардан зиёд ишчи-хизматчилари ҳам ўзгача кайфиятда қарши олдилар, — дейди Мирзо Улғабек тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Сайдулла Аҳмедов. Ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари туманининг барча ҳудудларида кизгин тус олди. Шу кунга қадар покизлик ишлари билан бир қаторда Оққўрғон кўчасига 3 мингта, Шастри хайкали атрафига 600 та атироғул кўчалари ўтказилди. Ҳудудимиздаги 300 та бекатларни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.



ОЛҚИШГА САЗОВОРЛАР

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда хунармандчиликни кенг қўламада ривожлантиришга, уларни рағбатлантириш, янги-янги излашларга ундашда, эл-юртга танитишда бир неча йиллардан бери анъанавга айланган «Ташаббус» кўрик-танловининг аҳамияти каттадир. Қуни кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган тадбиркор ва хунармандларнинг «Ташаббус-2002» кўриктанлови бўлиб ўтди.

Ушбу кўрик-танловда пойтахт туманларида голибликни қўлга киритган 11 нафар тадбиркор ва 11 нафар хунарманд 2 боосқичда 5 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Тошкент шаҳар ҳокими соврини учун ўтказилган беллашувида тадбиркор ва хунармандларга ўз фаолиятларини намойиш этиши учун қўлайликлар мавжудлиги, ташкил этилган кўргазмага уларнинг махсулотларидан намуналар кўйилганлиги томошабинларни ҳам мамнун этди.

— Албатта, бугунги кўрик-танловда иштирок этган тадбиркор ва хунармандларнинг барчаси голиблар, — дейди шаҳар Товар ишлаб

чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси вазифасини бажарувчи Садриддин Ҳакимов. — Шуниси қувончлики, барча иштирокчиларнинг ўз излашлари, гоғлари бор. Ҳар бири иқтисодий-иқтисодий равангага ўз хисосини қўйиш истагида, шу билан бирга мустақил юртимизни жаҳонга танитиш ниятида меҳнат қилаётган ташаббускорлардир. Энг муҳими эса уларнинг қалбида яратилганлиги ишчи ёнмоқда. Буни улар ишлаб қараётган рақобатбардос махсулотларда, хунармандларнинг миллий қадрларимиз ўз аксини топаётган санъат асарларида яққол кўришимиз мумкин. Буларнинг барчасини ҳукуватимизнинг кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратаётган кенг имкониятлари самараси десак асло муволаға бўлмайди.

Кўргазмага қўйилган махсулотлар билан таниши эса кишига ажиб бир кайфият бағишлайди, бу нарсаларнинг пойтахтимизда тайёрланаётганидан, келгусида эса ҳоржикли харидорлар эътиборига ҳам сазовор бўлишидан дилингиз фарға тўлабди. Халқаро кўргазмаларда катнашиб муносиб баҳосини олган хунармандларнинг маҳоратли излашлари махсули эса сизни гўзалликка ошно этади.

Якқасарой туманидан «Мирсазава» хусусий

ишлаб чиқариш фирмасида тайёрланган электроника соҳасидаги усқуналар, Юнусобод туманидаги «Ромсирв» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган замонавий қўриқ-лиш материаллари, Қилонзор туманида фаолият кўрсатаётган «ТЭК и К» кичик қорхонасининг кичик технологиялари, Бектемир туманидаги «Пресс-с-я» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорларининг халқ истеъмолчи моллари ва тибиий дори-дармонлар, Миробод туманидаги «Табон» ҳамда Собир Раҳимов туманидаги «Зебуннисо-она» хусусий фирмаларининг шириндан-шакар қандолат махсулотлари, М.Улғабек туманидаги «Алиев зарғари» хусусий фирмасида тайёрланаётган зеб-зийнатлар, Баҳодир Ҳожиматов, Алишер Раҳимов, Владимир Филиппов, Сабохон Хайдарова, Қаҳрамон Валиев сингари қўли гул хунармандлар яратган махсулотлар пойтахтимиз салохиятини яна бир бор намойен этиши, шубҳасиз.


Голиблик учун беллашганда, албатта танлов ҳайъати аъзоларига осон бўлмайди. Ҳайъат аъзолари ҳам зумқолик, синқоқлик билан иштирокчиларга ҳолис баҳоларини беришди. Ҳаяжонли дамларда эса голиблар қарсақлар билан олқишланди. Биринчи ўрин ва «Энг яхши тадбиркор» номи олиш Якқасарой туманидаги «Мирсазава» ху-

«ТАШАББУС — 2002»

сусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Баҳодир Мирзабобоевга насиб этди. Иккинчи ўринни Миробод туманидаги «Табон» хусусий фирмаси раҳбари Нурилла Махаммадалиев, учинчи ўринни эса Бектемир туманидан «Пресс-с-я» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Саидвали Газиев қўлга киритдилар.

Хунармандлар беллашувида эса лок минчатюриси устаси Шорасул Шоаҳмедов (Ҳамза) биринчи ўринни эгаллаб, «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлди. Иккинчи ўрин кулосса Алишер Раҳимов (Юнусобод)га, учинчи ўрин ёғоч ўймақори Қаҳрамон Валиев (Шайхонтоқур)га насиб этди. Голиблар диплом ҳамда қimmat-баҳо совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, қатнашчи тадбиркорлар орасидан «Энг яхши солик тўловчи», «Энг яхши экспортга мўлжалланган махсулот ишлаб чиқарувчи», «Энг яхши импорт ўринини босувчи махсулот ишлаб чиқарувчи», «Энг яхши ноу-хау», «Энг яхши технология яратувчи», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши кекса тадбиркор», хунармандлар орасидан эса «Энг яхши экспортга махсулот чиқарувчи», «Энг яхши усто» ва бошқа номинациялар бўйича голибларга диплом ва етказки совғалари топишди.

Шарифа ИЛЁСОВА, СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар. Тоғир Нигматуллин олган суратлар.



XXI сағоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистонга ташриф билан келган Афғонистон Муваққат ҳукуматининг раҳбари Хамид Карзай бошчилигидаги Афғонистон Муваққат ҳукумати делегацияси кеча пойтахт ташқарисидаги қароргоҳда Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов ва Ташқи ишлар вазири А. Комилов билан музокара олиб борди. Хамид Карзай Афғонистонга кўрсатилаётган ҳар томонлама мадад учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ва ҳукуматига миннатдорчилик изҳор қилди. Хамид Карзай бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ташриф буюриб бу ердаги кутубхонада сақланаётган муқаддас китоблар ва қўлемалар билан танишди. Сўнг делегация аъзолари Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлишди. Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдурахмонов мустақил йилларидан пойтахтимизда рўй берган ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди. Делегация аъзолари, шунингдек Хотира майдонидаги Мотамсаро она хайкалини зиёрат қилди. Мустақиллик майдонининг бугунги жамолини томоша қилди. Бугун Ўзбекистон — Афғонистон ҳукуматларари битимининг имзоланиши ва Афғонистон халқига гуманитар юқнинг топирилиши қутулмоқда.
- Тошкентда Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури доирасида мамлакатимиздаги айрим илм ва тибиий муассасаларига ажратилган гранд-шартномалар имзоланди.
- Республика Марказий банки ҳузурда ташкил этилган Ил-

Жаҳонда

- Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги Фавқулодда ва муқтор элчиси В. Норов Бернда ўридошлик асосида Ўзбекистоннинг Швейцариядаги элчиси этиб тайинлангани муносабати билан Швейцария конфедерацияси Президенти К. Филлигерга ишонч ёриқларини топишди.
- АҚШ Президенти Жорж Буш тажрибали дипломат Роберт Патрик Жон Финни Американинг Афғонистондаги элчиси деб тайинлади. Тайинланган элчи бир қанча вақт Хорватия ва Озарбайжондаги АҚШ дипломатлик миссияси раиси ўринбосари, 1998-2001 йилларда Тожикистонда элчи вазифаларида фаолият олиб борган.
- Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Хамид Карзай 11-12 март кунлари Россияга расмий ташриф буюради. Россия Ташқи ишлар вазири Игорь Иванов ана шу ҳақда маълум қилган.
- Гуантанамо асирлари очил эълон қилинди. 100 нафарга яқин туқун жангарилар ўтган қафтнинг пайшанба кун и эрталабдан буюн оқталанишдан бош тортишмоқда. Бу ҳақда ушбу база матбуот қотиби майор Стивен Кокс баёнот берди. Айни пайтда Гуантанамода 300 дан ортққ асир сақланмоқда.

ҚИСКА

- Афғонистоннинг Саробий шаҳрида жойлашган мактаб биносига миномётдан отилган снаряд келиб тушди. Портлаш маҳаллий вақт билан қундузги соат 10 атрафида содир этилган. Айни шу пайтда барча ўқувчилар машғулотда эди. Натижда бир ўқувчи ҳалок бўлган, 30 ўқувчи турли даражада жароҳатланган. Ҳозирча мактабга хим томонидан ўқ отилгани номаълум.
- Исроил авиацияси ва танқлари экстремистлар томонидан содир этилган террорчилик қаракатлари жавобан Фаластин ҳудудига бир қатор аҳоли яшайдиган жойларни ўққа тутди. Қурбон бўлганлар ва жароҳатланганлар бор.
- Исроилнинг пийёда аскарлари, зирхли техника қисмлари Фаластин қочқинлари жойлашган Женин лагерини тўла эгаллаб олди. Натихада кўчаларда Исроил ҳарбийлари билан Фаластин жангарилари ўртасида тўқнашулар эъ берди. Қурбонлар ва жароҳатланганлар ҳақида маълумот йўқ.
- АҚШ ҳукумати Яман давлатига бир гуруҳ ҳарбийларини юборишга қарор қилган. Улар Яманда жойлашган «Ал-Қоида» экстремист ташкилоти жангариларига қарши кураш амалиётида қатнашаётган аскарларни тайёрлашда кўмаклашадилар.
- Хиндистоннинг Гужарат штатида оммавий галаёнлар тўхтамапти. Қуни кеча содир бўлган ана шундай галаёнда яна 30 киши қурбон бўлди. Диний низолар туфайли мазкур штат марказида кейинги уч кун ичида қурбонларнинг сони 200 кишига етди.
- Мир Президентини Хусний Муборак Саудия шаҳзодаси Абдуллоҳнинг Яқин Шарқ муаммосини хал қилиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Бирок, у мазкур ташаббус янглик эмаслигини айтиб, Исроил томонидан қабул қилинишига шубҳа билан қарамокда.
- Франция Гвинеясидаги Куру космодромидан учурилган «Ariane-5» ракетаи Европа космик агентлиги (ЕКА) «ENVISAT» йўлдошини орбитага олиб чиқди. Бу ЕКАнинг энг кимматбаҳо (2,2 миллиард АҚШ доллари) йўлдоши бўлиб, вазни 8,1 тоннани ташкил этди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмоновнинг қарори қўра Равшан Каримович Пулатов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи (мақоми бўйича шаҳар ҳокимининг ўринбосари) тенглаштирилган лавозимидан овоз этилиб, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокими этиб тайинланди.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлаёт...

- Улфатнинг шарты — кулфатни тарк этишдир.
- Кайта-кайта узр айтиш, қилинган хатони эсга тушириш демакдир.
- Мусибатни яшириш мардлик белгисидир.
- Шикоят — ожиз кишининг ўзини ҳимоя қилиш учун танлаган қуролидир.
- Тўғрилиқда ўлиш, ёлгончи бўлиб узоқ яшашдан хайрлидир.
- Бировга жабру жафо, зулм этган киши қилган зулмининг охир натижасини кўрмасдан қолмайди.
- Киши зулмининг қандай ёмон иш эканини англаши учун бундай зулмини ўзига қилинишини ўзига фарз қилсин. У вақтда зулмининг қандай ёмон иш эканини англайди.

Шайх Саъдий айтди:
— Бир золим, мардум озор ҳоким бир тақводор, эзгу одамнинг бошини тош отиб жароҳатлади. Эзгу одам золим ҳокимдан ўч олиш кучига эга эмасди. Шунинг учун, у тошни ўзи билан асраб, қулай фурсат келганда ўч олишни қуттишга мажбур бўлди.

Бир кун у золим одам подшоҳнинг қазабига дучор бўлди. Подшоҳ уни бир чоғга ташлаётди. Эзгу одам чоғ ёнига келиб ўша сақланган тошни золимнинг бошига отди. Золим:
— Кимсан? Бу тошни нега менинг бошимга отдинг?
— деб қичқирди. Эзгу одам айтди:
— Мен фалон кишиман. Эсингдами, бир кунни тош отиб бошимга жароҳат етказган эдинг. Бу тош ана ўша тошир.

— Шу вақтгача қаерга эдинг? — деб сўради золим.
— Сен мансабдор бир киши бўлганин учун у пайтда интиқом олишдан ожиз бўлдим, тошни асраб, қулай бир фурсат келди. Мана энди интиқом олиш фурсати келди. Бу фурсатдан фойдаланиб, менинг бошимга отган тошин билан ўзингни урдим, — деб жавоб берди эзгу одам.

Байт:
Шамъи парвонани чу куйдирди, Тез бирён бўлгуси ўз ёнига.
● Машҳур олимлардан Мавлавий Сайид Абдулфаттоҳ айтди:
— Яман вилояти халқидан бир одам машҳур золим Ҳажжонинг хузурига келди. Ҳажжоз золим Яман вилояти ҳокими бўлган ўз укасининг ҳолини сўради. У киши:
— Укангиз жуда яхши маишат кечиради, юзи қипқизил, семирди кетган, — деди. Ҳажжоз:
— Мен сиздан укамнинг қандай маишат кечираётганини эмас, балки ички дунёсини, яъни одоб-ахлоқини, адл инсофни, халққа қўлаётган муомаласини сўраяман, — деган эди, яманлик киши шундай жавоб берди:
— Уканг золим, бераҳм, фосик, кўнгли қаттиқ, маишатга берилган киши.

— Ундай бўлса унинг зулмидан қутулиш учун Яман халқи ундан юқори мансабларда бўлганларга нега шикоят қилмади? — деб сўради. Ҳажжоз:
— Яман халқи кимга шикоят эта олсин? Укангдан юқори мансабда турган одам зулм этишда ундан юз марта қўтари, — деди яманлик.

— Бу сўзни менга тегизиб айтгансанми?
— Тўғри, сен катта мансабда бўлган Ҳажжоз ибн Юсуфсан. Уканг эса Яман ҳокими. Сенинг зулминг олдида уканг зулми юз марта кам десак бўлади. Энди Яман халқи укасини шикоят қилиб, ундан баттар золим бўлган акасига мурожаат қилишлари мумкинми?
— Менинг юзимга шундай сўзларни сўзлашдан қўрқмадингми?
— Мен ҳақиқатни айтишда ҳеч кимдан қўрқмайман. Ҳажжоз у кишининг сўзидан таъсирланиб айтди:
— Офарин, сен ҳақиқатни сўзлашда ҳеч кимдан қўрқмайдиган, ростгўй бир одам экансан, мени оғоҳлангирдинг, — деди ва у кишига инон-эҳсон қилди. Шундан кейин Ҳажжоз зулмдан қўл тортиди, укасини Яман ҳокимлигидан туширди.

Кадимги Эрон шоири ва адиби Фариддин Аттор айтди:
Солма эл кўнглига ранжиш, эй жавон, Истар эрсанг гар балолардан омон. Ҳеч кимнинг кўнглини оғритмағил, Ҳеч кимнинг кўнглини оғритмағил, Ҳеч кимнинг кўнглини оғритмағил, Ҳеч кимнинг кўнглини оғритмағил.
Ким бировга берса озору жафо, Шубҳасиз бўлгай балага мубтало.
Эр отни ҳар ўлкада яхши атар, Бўлгуси ул эр жаҳонда мўътабар.
● Ҳақиқатни кўп ўтинни ёндиргани каби тўғрилиқнинг кичкина бир учқуни жуда кўп беҳуда, ботил сўз ва ишларни йўқотди.

● Кўпчилик хузурда бир кишига ваъз-насихат қилиш — уни уялтиришдир.
Юқори мартабага кўтарилиш қийинлик билан мурасар бўлади, юқори мартабадан пастга тушиб кетиш эса жуда осондир.

● Сукрот Ҳаким айтди:
— Зулм ва такаббурлик — улғулик офати, мулоимлик ва тавозе одамнинг зебу зийнатидир. Ҳеч кимга маъқул ва марғуб бўлмаган нарса ўз камчилигидан кўз юмиб, бошқалардан камчилик излашдир. Ўз холининг моҳир табиидан, мушфиқ, меҳрибон дўстингидан яширма. Шарму ҳаё одамнинг энг гўзал либосидир.

Кадимги Эрон донишманди Бузуржмехр айтди:
Устозимдан: «Ҳаммадан яхшироқ нарса нима? — деб сўрадим. Устозим айтди:
— Сихат-саломатлик, фаровон турмуш, саҳийлик ва хотиржамлик.

Яна сўрадим:
— Мард йигитлик нима нарса билан бўлади?
— Шарму ҳаё ва баҳодирлик билан.
Шоир Соҳиб айтди:
Каноатпеша бўлгил эл аро иззат талаб бўлсанг, Азиз бўлмас жаҳонда беқаноат ошу нон истар.

● Баъзи одамлар ўз манфаатларини кўзлаб бошлиқларига, ёки фойдаси тегадиган одамларга, гўё ихлос ва муҳаббат кўрсатган бўлиб, у одамларнинг хузурларида уларни мактайдилар, кўкча кўтардилар. Мана шундай тилёғламалик, икки юзламачилик қилиб мунофиқона сўзлаш — тилдан келадиган энг ярама офатлардан биридир.



Оналар ва болалар саломатлиги йўлида

Мамлакатимизда йилдан йилга оналар ва болалар саломатлигига жиддий эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват ва баркамол инсон бўлиб воғва этишларида аввало оналарнинг саломатлиги муҳим аҳамият касб этади. Негаки соғлом она соғлом фарзанд дунёга келади.

Шаҳримизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, мустаҳкамлашда кўнгина шифо масканлари — касалхонаю поликлиникалар, уларда ширинсўза, меҳрибон, жонга жон бағишловчи, беморлар дардида малҳам бўлиб келаётган кўли энгил шифокору ҳамшираларнинг хизматлари беқийсдир. Ана шундай шифо масканларидан бири шаҳримизнинг Юнусобод туманида жойлашган шаҳар клиник болалар шифохонасидир. Бу ерда чақалоқлар патологияси бўлими мавжуд бўлиб, ҳам оналар, ҳам болалар биргаликда даволанмоқдалар. Шифохонада оналар ва болалар учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган.

— Бўлимизда асосан бир ойликча бўлган — шамоллаш, физиологик сариқ туғилган ёки туғруқдаги шикастланган бор бемор чақалоқлар даволанишда, — дейди чақалоқлар патологияси бўлими мудири, олий тоифали шифокор Васила

Азимова. — Фарзанд ҳаётимиз мазмуни ва қувончи, оилани мустаҳкамловчи бебаҳо бойлигимиздир. Шундай экан биз шифокору ҳамширалар доимо оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида бор билим ва тажрибаларимизни аямий меҳнат қилмоқдамиз. Бўлимизда айни кунларда 30 та бемор болалар оналари билан бирга даволанишмоқда. Касалхонада чақалоқларни турли-туман дори-дармонлар билан даволашдан қўра замонавий даволаш усулларидан кенг фойдаланмоқдамиз. Булар — электрофорез, ўқалаш, парафин, ультра нураб билан даволаш усулларидир. Шуниси диққатга сазоворки, чақалоқлар билан бирга бир йўла оналарнинг ҳам соғликлари кўриқдан ўтказилиб, керакли муолажалар кўрсатилмоқда. Утган йили қабул қилинган «Она ва бола» Давлат дастурига мувофиқ бўлимизда туғруқ ёшидаги оналарни соғломлаштириш, уларни туғруққа туғри тайёрлаб бориш, болани фақат кўрак сuti билан боқиш кенг тарғиб қилинди.

— Бўлимда энг диққатга сазовор бўлган ишларимиздан яна бири — «Оналар мактабининг» ташкил топганидир, — дейди сўхбатимизга қўшилган тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Нигора Раҳимова. — Бу мактабда бўлимизнинг шифокору ҳамширалари керакли билимларни эгаллаб, ёш

ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИДА

оналарга болани қандай парварिश қилиш, уларни кўпроқ она сuti билан боқиш, она сутининг аҳамияти, оналарнинг қандай овқатланиши, болани қандай йўрғаклаш ва чўмилтириш ҳақида фойдали маслаҳатлар беришади. Бу албатта ёш оналар учун катта сабоқ, амалий ёрдам деб ўйлаймиз. Бўлимизда бу соҳада малакали ва тажрибали шифокор ва кўли энгил ҳамшираларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ бўлмоқда. И.Абзалова, Б.Раҳимова, М.Мираҳмедова, Н.Маткаримова, Х.Эргашева сингари хушмуомала, меҳнатсевар ва меҳрибон, ўз касбининг фидойилари ишидан айниқса оналар беҳад миннатдорлар. Улар ёш оналардан керакли маслаҳатларини аямий, гўдақларга ҳам, оналарга ҳам зарур бўлган муолажаларни ўз вақтида кўрсатиб олмиш ва дуо олмақдалар.

Оқ халат кийган қалби ҳам оқ ва беғубор саломатлигимизда посбонлари ҳақида гап кетганда беихтиёр ушбу ажойиб қўшиқ хаёлимизга келади, албатта.

Мен сиздан даво топдим, Жонга жон шифокорлар. Меҳрингиз қуёш гўё Меҳрибон шифокорлар...

Дилором ИКРОМОВА.
СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) ҳамширалар Н.Сафонова, Ш.Раҳимова, бўлим мудири В.Азимова, шифокор И.Абзалова ва беморнинг ренгтен коғозини муҳокама қилишмоқда. Ундаги суратда ҳамширалар У.Сулаймонова ва Д.Икромова муолажа ҳолида бемор гўдак ахволини кўздан кечиришмоқда. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

ШИФОКОР ОҒОҲЛАНТИРАДИ

Ўткир юқумли ичак касалликларидан сақланинг!

Юқумли ичак касалликларига ич терлама, паратиф, бактериал дизентерия, озиқ-овқат токсик инфекцияси ва ҳоказолар кирради. Бу юқумли касалликларнинг ҳар бирини маълум бир турдаги кўзгатувчиси бор ва у ўзига хос клиник келиши ва эпидемиологияси билан фарқ қилади. Бу инфекциялар бир-бирига ўхшаш бўлади. Ҳар қандай ичак инфекцияси учун касаллик кўзгатувчисининг оғиз орқали кириши ва меъда-ичак йўлида тез кўпайиш ҳоллари беғона эмас.

Бу касалликларнинг манбаи бўлиб, асосан бемор одам ва касаллик ташувчилар ҳисобланади. Касаллик кўзгатувчилари соғлом одамларга беморнинг ажратмалари билан ифлосланган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, беморга тегишли ишлатилган нарсалар, ўйинчоқлар, қўра-тўшақ, чойшаб ва бошқалардан юқиши мумкин.

Ўткир ичак касалликларининг хакли равишида «Ифлос қўл касаллиги» деб ҳам аталади. Ичак инфекцияларининг тарқалишида ахлат ўралари ва хожат-хоналардан ўчиқ қиладиган пашшалар ҳам катта роль ўйнайди. Ичак инфекцияларининг кўзгатувчилари ва уларнинг токсинлари меъда-ичак йўлини бузибгина қолмай, балки марказий асаб тизимини ҳам шикастлантиради. Беморнинг ҳарорати кўтарилади, юрак-томир системасининг нормал фаолияти бузилади. Бу касалликнинг аломати ҳар хил бўлади.

Ўткир меъда-ичак касалликларига асосан баҳор ва ёз мавсумларида кўпроқ учрайди, чунки бу даврда озиқ-овқат маҳсулотлари тез бузилади, аҳоли томонидан яхши қовилмаган сабзавот ва мевалар истеъмол қилиниши кўпаяди. Шу билан бир қаторда пашшанин озиқ-овқатларини ифлослантириши ҳам сабаб бўлади. Бу касалликлар ҳар қандай ёшдаги кишиларга, айниқса болаларга осон юқади. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 7 кунгача, ич терлама эса бир неча кундан 3 ҳафтагача бўлади.

Ўткир ичак инфекцияларининг олдини олиш учун инфекция манбаини йўқотиш, зарарсизлантириш, организмни касалликларга чидамлигини ошириш керак.

Касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлиши биланоқ бемор нажаси билан ташки муҳитга жуда кўплаб микробларни ажрата бошлай-

ди. Шу сабабли беморни илжожи борица тезроқ касалхонага ётқизиб ўз вақтида даволанса, касаллик тарқалишининг олди олинган бўлади.

Касалликнинг олдини олиш учун, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш лозим. Сабазавот ва меваларни истеъмол қилишдан олдин, албатта, водопровод сувиде ёки қайнатилган сувда чайиш максатда мувофиқдир. Сифати кафолатланмаган, номазулов шароитларда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини савдо ва харид қилиш, истеъмол қилишдан сақланиш лозим.

Умумий овқатланиш, савдо тармоқларида ҳамда хонадонларда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда, тайёрлашда, тарқатишда санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ амал қилиш, ичимлик сувларини қайнатиб истеъмол қилиш, болаларни кўларини доимо ювиб юришга оdatлантириш, худудларда ахлатларнинг йиғилиб қолишига, пашшаларнинг кўпайишига йўл қўймайлик чора-тадбирларини кўриш юқумли ичак касалликларининг олдини олишда жуда катта роль ўйнайди.

Ичак касалликларининг кўзгатувчилари зарарсизлантирувчи воситалар

таъсирида дарров ўлади. Шу сабабли идиш-товуқларни доимо зарарсизлантириш лозим. Ичак инфекцияларини профилактикасида пашшаларни йўқ қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Организмининг инфекцияларга қарши чидамлигини оширишга қаратилган умумсоғломлаштирувчи воситалар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Болага витаминларга бой овқатлар бериш, организмни бадантарбия, жисмоний машлар, бошқа муолажалар билан чиқинтириш, меҳнат қилиш режимига риоя қилиш лозим. Гигиена ва санитария қоидаларига тўла ўрганиб, ҳаётга тadbик этиш ҳар бир инсоннинг бурчи. Хулоса қилиб айтганда, ўткир ичак касалликларининг олдини олишда аҳоли фаол катнашиши, гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиниши, шу касалликларга шубҳа туғилса, тезда шифокорларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Маҳаматжон ЗОЙИРОВ, Сергели тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори, Маҳмуд ҲАКИМОВ, овқатланиш гигиенаси бўлими шифокори.

Гиламда — бўлгуси чемпионлар

Мана, иккинчи йилдирки, Шайхонтоҳур туманидаги богчаларнинг тарбияланувчилари ўртасида миллий кураш бўйича мусобақалар уюштирилмоқда.

Туман ҳокимлиги ва спорт қўмитаси ташаббуси билан 2-анъанавий мусобақа Тошкент ислом университетининг спорт залида бўлиб ўтди. Унда икки кун давомида тумандаги 50 га яқин богчаларнинг саралаш бешлашувларидан ўтган кучли, курашга мойил катта тайёрлов гуруҳининг ёш полковлари иштирок этиди. Иккинчи кун 32 та

бали жисмоний тарбия йўриқчиси Шоақром Исроилов ҳакамлик қилди.

Ниҳоят, ҳал қилувчи дақиқалар ҳам этиб келди. Финал бешлашувиде рақибнинг курагини ерга теккизан 197-боғча тарбияланувчиси Файзулло Исломов турнир голиби бўлди. Иккинчи ўрин 229-боғчанинг катта гуруҳ тарбияланувчиси Шерзод Эркиновга тегишди. 187-болалар боғчасида спорт сирларини ўрганаётган Саидхор Абдуқодиоров учинчи бўлди.

Мусобақанинг барча голиб ва совриндорлари Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Зийнат спорт» хайрия жамияти томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар, теннис копточкалари, спорт тўрисидаги китоблар, диплом билан тақдирланди.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТДА: гиламда миллий курашнинг бўлгуси чемпионлари, Сергей Любич олган сурат.



Ўзбекистон юлдузлари халқаро танловда

«Konzept» — 2001 танловиде катнашиш тақдифини ўзбекистонлик санъаткорлар катта курсанчилик билан қарши олишди. Кўпгина давлатлар каби Ўзбекистонлик ҳам истисодий муаммолар четлаб ўтмаган бўлса ҳам Ватанимизнинг қалдроғочлари ҳамма асосий тоифаларда катнашдилар. Ёши булардан «junior» тоифасида — 3-синф ўқувчиси Б. Караматова; «A» тоифасида — 6-синф ўқувчиси А. Матқубова; «B» тоифасида — 8-синф ўқувчиси Ф. Муҳамедова ва илк мартаба «junior E» тоифасида Ўзбекистон Республикаси вакиллари 1999—2000 йиллардаги Халқаро кўрик-танловлар совриндорлари М. Шарипова ҳамда В. Умаровлар фортепиано кўриқро билан катнашди. Ушбу катнашчиларнинг барчаси дунёга доғра кетган Тошкентдаги Успенский номидаги мусика мактаби тарбияланувчиларидир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Греция маданият ишлари вазири К. Паулос жаноқлари ва унинг рафиқаси томонидан ташкил этилган бу кўрик аъло даражада ўтказилди.

Болалар ва муаллимлар бу кўриқда катнашиш бахтига мурасар бўлишларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси номини жаҳонга таништиришда катта ёрдам кўрсатган бош хомийлар: «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон Миллий Банки, «Иновация» компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири. Мазкур хомийларнинг салмокли кўмакларисиз ёш ижрочилар афсонавий Грецияда мустақил юртимиз фортепиано ижрочилиги санъатини бутун дунё вакиллари кўз ўнгиде аъло даражада намойиш қилиш имкониятига эга бўлмамакдидлар.

Грециядаги «Konzept» — 2001 кўрик-танлови гўзал, бежирин Перуас шаҳарчасида бўлиб ўтди ва бу танлов ҳайрат аъзолари — Руминия, Германия, Греция, Исроил ва Аргентина давлатлари профессорларидан ташкил топди. Ушбу кўриқда Россия, Греция, Югославия, Арманистон, Грузия, Молдова, Украина, Австралия, Франция, Бенин, АКШ, Япония давлатларининг ёш ижрочилари ўларининг фортепиано мактаби билим-маҳоратини намойиш қилдилар. Кўрик сўнгиде ҳайрат аъзолари бир овоздан бизнинг вакилларимизга: Б. Караматова (3-синф) — 3-ўрин, В. Умарова (8-синф) ва М. Шариповаларга (6-синф) 2-ўрин, илк мартаба халқаро саҳнада ўз маҳоратини кўрсатган 6-синф ўқувчиси А. Матқубоваларга 4-ўринларни тақдим этишди.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Бош муҳаррир Аҳмад АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади. 8332 нусхадe босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатта олинган

Бўлажиб дунё

«Хотинимни қутиш жонга теғди...»

Автоматик бошқарув аёлларнинг соч ювишларида ҳам кириб келди. Буни хотин-қизлар талаб қилишди-микан ёки...

Ўз рафиқаларини меҳмонга, ресторанга ёки турил хил сайрларга олиб боришда қутишдан қарчаган чет эллик олимлардан бири ана шу мосламани ўйлаб топди.

Соҳ ювадиган қурилмининг креслосига ўтирган аёл бошини думалоқ мосламаларга солади. Шундан сўнг аёлнинг сочи автоматик равишда ювилади, қурилади. Буларга атиги беш лаҳза қифоя! Қолган пардоз-андозлар ойна қарши-сида давом этади.

«Бундай қурилмини яратишга қандай зураурат туғилди?» деб сўралганида, кашфиётчининг жавоби шундай бўлди: «Хотинимни қутиш жонимга теғди, зора қутиш вақти қисқарса, деган ниҳатда ушбу қурилмини кашф қилдим.»

Кошки эди, у ҳақиқатан ҳам ниҳатга эришган бўлса!

Кўй йўқолганида...

Ҳиндистонлик чўпон Гимрани Гупта подасидеги бир неча кўй етмаётганини ёни сизиб қолган, уларни қидириб бошлади.

Яйловдан уларни тополмаган, тасодифан бир горага кириб қолди у ерда худо Шиванинг 30 сантиметрлик ҳайкалчасини топиб олган, у горанинг бошқа жойларини ҳам текшира бошлади. Маълум бўлишича, бу гора хиндларнинг қадимий қадимжоларидан бири бўлган экан.

«Хиндустан Таймс» газетасининг хабарига кўра чўпон Гупта аниқлаган гора Кашмир штати маъурия-тининг қарори билан оммавий сайилгоҳга айлантирилди-деган бўлди. Гупта эса бу ерда келадиганлардан тушадиган тушумининг 10 фоизини оладиган бўлди.

Қайси қуш қанча учади?

Қайси қуш қанча тезликда учшини биласизми? Мухтаassisларнинг махсус оптик асбоблар воситасида кузатиб аниқлашларича, қаргалар соатига 49,5 — 72,4 километр, майда чумчуқимонлар 32,2 — 59,6; чумчуқлар 61,2 — 78,9; гозлар 67,6 — 88,5; ўрдақлар 75,8 — 95,0; бурғуллар 64,4 — 77,3; кабуларлар 48,3 — 67,0; балхич қушлар 54,7 — 86,0 километр тезликда ҳаракат қилар эканлар.

Вафотидан кейин қайтди

Руминиядаги Пучени Маснене қишлоғидеги мактабнинг ўқувчилари анатомия дарсини ўрганишда мактабнинг собиқ директори скелетидан фойдаланишадиган бўлишди.

Собиқ директор Алену Константин шу мактабда аввалига ўқитувчи ҳамда мактаб бошлиғи сифатида кўп йиллар давомида ишлаган. Ўз ишини сидқидилдан севаган директор вафотидан кейин ўзининг жасадида ўқув қуроли сифатида фойдаланиши васият қилган эди.

Шунга кўра директор яна мактабга қайтиб келди, бироқ бу гал унинг жасади қайтган бўлиб, ойна ичидаги бу скелетдан ўқувчиларга билим беришда кўргазмали қурол сифатида фойдаланилмоқда.

Йил бўйи чанги учлади

Дунё миқёсидеги олимпия ўйинларининг ўтказилиши ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос имкониятлари мавжудлигини намойиш этади. Испания пойтахти Мадридда тикланаётган киши соғломлаштириш спорт мажмуи ҳам худди шу мақсадни кўзлайди. Унинг умумий майдони 18 минг квадрат метр бўлиб, йил бўйи чангида учмиш имкониятлари ҳам яратилади. Атракцион, спорт зали, кинотеатр, ресторон, бар, ўйин-қулга зали, иждоий галерея, хаттоки 7500 та машинага мўлжалланган майдонча ҳам борки, бу ерга келиш қайсики спортчи бўлса, ханси етадиган бўлса, ханси манг бўлмай иложи йўқ.

Мадрид спорт мажмуисини 2003 йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда. Умид қилишяптики, 2012 йилда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинлари учун ана шу улкан иншоот танланади. Келажакни кўзлаб килинаётган бугунги иш Испания давлатига шон-шўҳратдан ташқари чексиз даромад ҳам келтиради.